O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 13-mart • Payshanba • 32 (27.837) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Бугунги Тошкент конференцияси нафақат Орол денгизи муаммоларини ҳал этиш бўйича Марказий Осиё давлатларининг ўзаро саъй-ҳаракатлари тўғрисидаги биринчи битими имзоланганининг ўн беш йиллик даврида, балки, 22 март — Бутунжаҳон сув ресурслари кунига яқин қолганда, БМТ эълон қилган Халқаро Ер сайёраси йилида бўлиб ўтаётгани ҳам рамзий маъно касб этади».

«ОРОЛ МУАММОЛАРИ, УЛАРНИНГ АҲОЛИ ГЕНОФОНДИ, ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ОЛАМИГА ТАЪСИРИ ҲАМДА ОҚИБАТЛАРИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ УЧУН ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ» ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз меҳмонлар!

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Сизларни Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳрида самимий қутлайман.

Бугун очиладиган конференция Марказий Осиё мамлакатлари учун энг мураккаб ва долзарб муаммолардан бирига бағишланган бўлиб, унинг аҳамияти, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, фақат сув хавфсизлиги масалалари ва битта минтақа доираси билан чекланиб қолмайди.

Барчангиз олижаноб мақсад — Орол инқирози оқибатлари билан боғлиқ масалаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш ва Марказий Осиё давлатларига, биринчи навбатда бевосита инқироз ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолига яшаш шароитлари ёмонлашувининг олдини олиш, мазкур минтақанинг бетакрор флораси ва фауناси нозик экологик мутаносиблигини сақлашда халқаро ҳамжамият томонидан кўмак бериш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадида йиғилгансиз.

Орол денгизи муаммосининг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Аммо бу муаммонинг кўлами XX асрнинг 60-йилларида хавфли тус олди. Янги ерларни жадал ўзлаштириш, суғорма деҳқончиликни янада ривожлантириш, бунинг учун бутун Марказий Осиё ҳудуди бўйлаб ирригация тизимларини қуриш, сувдан маиший ва саноат кўламида фойдаланиш эҳтиёжининг давомий ўсиб бориши, шунингдек, сув тақчил бўлган йилларнинг мунтазам такрорланиб туриши энг янги тарихдаги глобал экологик ҳалокатлардан бири содир бўлишига — бир вақтлар сайёрамиздаги энг чиройли сув ҳавзаларидан бирининг қуриб боришига шароит яратди. Сўнгги эллик йил ичида Орол денгизи акваторияси сатҳи 4 баравардан кўпроқ қисқарди, сув ҳажми 10 мартага камайди, худди шу миқдорда унинг минераллашуви ошди.

Янги ҳосил бўлган чўл Оролбўйи ҳудудини шафқатсизларча қамраб олмоқда. Доимий экологик хавф мавжуд ҳудудда, маҳаллий аҳолининг турмуш сифати, саломатлиги, генофондида салбий из қолдирувчи омиллар таъсири остида нафақат қуриб бораётган денгиз атрофидаги минтақалар — Қозоғистоннинг Қизилўрда вилояти, Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти ва Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятлари, балки бутун Марказий Осиё минтақаси ҳам жойлашгандир.

Сув ресурсларининг, жумладан ичимлик сувнинг танқислиги ва унинг сифати пасайиши, ерларнинг завол топиши, биохилма-хилликнинг кескин камайиб кетиши, атмосфера ифлосланишининг ошиши натижасидаги иқлим ўзгаришлари, эҳтимол, шу билан боғлиқ минтақа асосий дарёлари оқимининг катта қисми ҳосил бўладиган Помир ва Тянь-Шань музликлари майдонининг кичиклашуви — бу Орол нобуд бўлаётгани натижасининг қисқача мисоллари, холос. Бугунги кунда шуниси мутлақо равшанки, Оролбўйида келиб чиқиши ва асоратлари жиҳатидан халқаро, глобал характердаги мураккаб экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар комплекси юзага келган.

Буни англаш БМТнинг Марказий Осиёда инсон тараққиёти ҳақидаги 2005 йилги Маърузасида ҳам ўз тасдиғини топган, унда Орол денгизининг қуриши нафақат минтақавий, балки глобал аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Шу жиҳатдан олинганда, минтақанинг трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари алоҳида долзарб аҳамият касб этади. Мазкур дарёлар барча замонларда уларнинг ҳавзаларида жойлашган давлатларнинг ҳаётий муҳим эҳтиёжларини таъминлаб келган. Бу ҳозирги кунда сув ресурсларидан, биринчи галда трансчегаравий хусусиятга эга дарё оқимларидан мазкур минтақадаги барча мамлакат ва халқлар манфаатлари йўлида фойдаланишда ҳар томонлама пухта ўйланган ёндашув ва қарорларни амалга оширишни тақозо этувчи минтақанинг 6 та давлатида яшаётган 50 миллиондан ортиқ кишининг ҳаётий муҳим манфаатлари ҳисобланади. Акс ҳолда бу Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмларида сув таъминотини янада қийинлаштириши, қуриб бораётган Оролнинг экологик ҳалокатини жадаллаштириб юбориши ҳамда Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг ўн миллионлаб аҳолисининг барқарор ривожланиши ва амалда умуман бу ерда яшаши истиқболларини шубҳа остида қолдириши мумкин.

Трансчегара дарёларидан фойдаланишнинг асосий тамойилларини белгилайдиган халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим ҳужжатларига, шу жумладан трансчегара сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш (1992) ҳамда халқаро сув оқимларидан кема қатновидан бошқача турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги (1997) конвенцияларга мувофиқ, сув оқимларидаги барча давлатлар «ўзининг тегишли ҳудудлари чегарасида халқаро сув оқимларидан адолатли ва оқилона тарзда фойдаланишлари» назарда тутилади.

Мазкур ҳужжатларда шунингдек, халқаро сув оқимларидаги давлатлар томонидан ўз ҳудудида ундан фойдаланганида «сув оқимидаги бошқа давлатларга сезиларли зарар етказилишининг олдини олиш учун барча тегишли чора-тадбирларни кўриш», зарар етказилган ҳолатда эса — «бундай зарарни тугатиш ёки камайтириш учун, зарур бўлганда, зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш учун» тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича давлатларнинг мажбуриятлари назарда тутилган.

Трансчегара сув оқимларининг сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқ минтақа давлатларининг «халқаро сув оқимларидан мақбул равишда фойдаланишга эришиш ҳамда тегишли тарзда ҳимоя қилиш мақсадида» ҳамкорлик қилиш умумий мажбуриятини ҳам назарда тутади.

Бундай ҳамкорликнинг муҳим тамал тоши 1993 йилнинг март ойида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашувида қўйилди. Қизилўрда шаҳрида бўлиб ўтган мазкур учрашувда Орол денгизи муаммосини ҳал этиш бўйича ўзаро саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги Битим имзоланди. Ўтган сўнгги йилларда минтақа давлатлари халқаро ташкилотлар билан биргаликда Орол денгизи ҳавзасидаги экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни енгиб ўтиш ва минтақадаги вазиятни яхшилаш бўйича сезиларли саъй-ҳаракатларни амалга оширишди.

Ишончим комилки, глобал ижтимоий муаммолар, жумладан Минг йиллик ривожланиш мақсадлари доирасида, «регионализм орқали глобализм сари» формуласи бўйича, самарали минтақавий механизмлар яратиш йўли билан ҳал этилиши лозим.

БМТ Бош Ассамблеясининг қарори билан 2005-2015 йиллар «Сув ҳаёт учун» ҳаракати Халқаро ўн йиллиги деб эълон қилинди. Бугунги Тошкент конференцияси нафақат Орол денгизи муаммоларини ҳал этиш бўйича Марказий Осиё давлатларининг ўзаро саъй-ҳаракатлари тўғрисидаги биринчи битими имзоланганининг ўн беш йиллик даврида, балки, 22 март — Бутунжаҳон сув ресурслари кунига яқин қолганда, БМТ эълон қилган Халқаро Ер сайёраси йилида бўлиб ўтаётгани ҳам рамзий маъно касб этади.

Конференция натижалари Орол муаммосига халқаро ҳамжамиятнинг янгича назар билан қараши ва англаб етишини шакллантиришга ёрдам бериши ҳамда Марказий Осиё минтақасининг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш мақсадида янада самарали ҳамкорлик учун асос бўладиган вазиятни яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беришига ишончим комил.

Конференция қатнашчиларига самарали ишлаш ва ушбу муҳим ҳамда принципиал вазифаларни амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Чуқур эҳтиром ила,

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ОРОЛ МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Тошкентда 12 март куни Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.

БМТ Ривожланиш дастурининг Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси директори ўринбосари Жейхан Султонўғли хоним конференцияни очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» халқаро конференцияси иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Азимов ўқиб эшиттирди.

Конференцияда дунёнинг 20 дан ортиқ давлати, жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари, Германия, Греция, Исроил, Ҳиндистон, Хитой, Нидерландия, Россия, Япония ва бошқа давлатлардан, халқаро ва минтақавий ташкилотлардан, молия институтларидан вакиллар, экология, иқлим ўзгариши ҳамда сув ресурсларини бошқариш соҳаси бўйича таниқли олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Бугунги кунда сайёрамизда миллионлаб одамлар тоза ичимлик суви тақчиллигидан азият чекмоқда. Бу иқлими қуруқ мамлакатларда айниқса яққол сезилмоқда. Оролбўйида экологик вазиятнинг ёмонлашиши минтақада экотизим мувозанатининг бузилишига олиб келди, сув ресурслари тақчиллигини кучайтирди. Бу эса минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароити ва соғлигига, биологик хилма-хилликка салбий таъсир кўрсатмоқда. Бинобарин, ушбу муаммо минтақа давлатлари ҳамда халқаро ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтиришни тақозо этмоқда.

2-бет

ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида

Мулоқотнинг синалган усули

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят, шаҳар, туман кенгашлари ҳузурида Жамоатчилик қабулхоналари тузилганидан кейин ўтган икки йилдан ортиқ фурсат аҳоли билан мулоқот қилишнинг бу усули нақадар фойдали эканини ҳаётнинг ўзи исботлади. Қабулхоналар фаолияти партия электоратининг манфаатларига ҳамоҳанг ижтимоий-маиший масалаларни жойида ҳал қилишда самарали восита эканлигига шубҳа қолмади.

Фуқаролар, айниқса партия электорати вакилларининг қабулхоналар фаолиятига ишончи ортгани сайин ХДП Сирдарё вилоят кенгашида бу ишга янада кўпроқ эътибор берилмоқда. Фикримиз далили учун битта мисол келтирамиз. 2007 йилда Жамоатчилик қабулхоналарига фуқаролардан жами 487 та, 2006 йилдагига нисбатан 26 фоиз кўп мурожаат тушди. Шу боисдан ҳам қабулхоналар фаолиятини такомиллаштириш, улар ишига партиянинг обрў-эътиборли вакилларини янада кенг жалб этиш, муҳими — кўтарилган масалаларни ижобий ҳал этиш асосий масала бўлиб қолаётир.

Аҳолининг муаммоларини ҳал қилишга ХДП маҳаллий кенгашларининг куч-имкониятлари етарлими? — деган табиий савол туғилади. Бунда ХДПдан сайланган вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари ҳал қилувчи мавқе эгаллайди. Айни вақтда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги 50 нафар депутатнинг 20 нафари, туман, шаҳар Кенгашларидаги 320 нафар депутатнинг 160 нафари, вилоятдан сайланган 6 нафар сенаторнинг 3 нафари ХДП аъзосидир. Жамоатчилик қабулхоналарида кўтарилаётган масалаларнинг аксарияти фаолларнинг бевосита вазифаси билан муштараклиги уларни ҳал қилишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, биргаликда чора-тадбирлар белгилаш имконини бермоқда.

Аҳоли мурожаатларини чуқур ўрганиб чиқиш, таҳлил этиш кундалик ҳаётимиздаги асосий муаммолар ҳақида тасаввур уйғотиши билан бирга маҳаллий кенгашлар, бошланғич партия ташкилотларининг иш йўналишини белгилашда ҳам муҳим омил бўлаётир. Якунланган йилда Жамоатчилик қабулхоналарига вилоят бўйича тушган мурожаатлар коммунал хизмат, иш билан таъминлаш ва бошқа ижтимоий масалалар билан боғлиқ.

2-бет

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда дастлаб Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2007 йилдаги иш фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2005 йил 2 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари асосида амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг таҳлилий-экспертлик фаолиятида асосий эътибор қуйидаги уч йўналиш — Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Давлат бюджети лойиҳаси экспертизаси, Ўзбекистон Республикасида 2006 йил ва 2007 йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ташқи савдо айланмаси ва экспорт операциялари таҳлили, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт-импорт операциялари бўйича дебиторлик қарзлари аҳволи ва динамикаси таҳлилига қаратилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг назорат тадбирлари ва уларда аниқланган камчиликлар ва кўрилган чоралар фракция аъзолари томонидан ўрганиб чиқилди. Хусусан, 2007 йилга тасдиқланган иш дастурига асосан 12 йўналиш бўйича 38 та назорат тадбири амалга оширилган.

2-бет

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Пойтахтимизда «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари, мамлакатимиз ва хориждаги экология муаммолари, иқлим ўзгариши ва сув ресурсларини бошқариш масалалари билан шуғулланадиган илмий марказлардан икки юздан зиёд етакчи мутахассис ва олим иштирок этаётир.

ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Сергей ЛЕБЕДЕВ — МДҲ Ижроия қўмитаси раиси:

— Орол ва унинг атрофида вужудга келган жиддий экологик муаммоларни ечиш нафақат ўша ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли, Марказий Осиё давлатлари, балки дунёнинг деярли барча мамлакатлари учун бирдек муҳим. Орол денгизининг қуриган қисмидан ҳавога кўтарилаётган чанг-тўзон дунё экологиясига зарар етказмоқда. Ўзбекистонда мазкур муаммони ҳал этиш борасида зарур чоралар кўрилаётгани бизга яхши маълум. Бироқ ушбу муаммони бартараф этиш учун халқаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш зарур.

Конференция Орол билан боғлиқ қатор долзарб масалаларни, жумладан, экологик инқирознинг аҳоли генофондига, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири, Амударё ва Сирдарёда рационал оқимни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этиш ва муайян ечимларни топишда катта аҳамиятга эга.

Пан ДАВЭЙ — Шанхай Ижтимоий фанлар акздемиясининг Россияни ўрганиш маркази директори (Хитой):

— Бугунги кунда Орол денгизида пайдо бўлган катта муаммо халқаро ҳамжамият эътиборини тортмоқда. Орол инқирозини бартараф этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан мазкур конференция ғоят катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан ўтказилган ушбу анжуман ҳар томонлама юқори савияда ташкил этилган. Конференцияда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан ташриф буюрган етакчи олим ва мутахассислар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари, экология муаммолари билан шуғулланадиган илмий марказлар вакиллари Орол муаммосини ҳал қилиш борасида фикр алмашиш имконига эга бўлдилар.

Кеча Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида бўлиб, мамлакатингизда минтақада экологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлдик. У ерда олиб борилган ислоҳотлар бизда катта таассурот қолдирди. Айтиш мумкинки, кучларни бирлаштирган ҳолда Орол муаммосини ҳал этишга эришиш мумкин.

2-бет

ОРОЛ МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Халқаро анжуман очилишида сўзга чиққан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) бош котиби Болат Нургалиев, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси Сергей Лебедев, Осиё тараққиёт банкининг Марказий ва Ғарбий Осиёда қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар бўйича департаменти директори Кацужи Мацунами, Жаҳон банкининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий идораси директори Аннет Диксон, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Саломатлик дастурлари бўйича минтақавий директори Недрет Эмирўғли, ЮНИСЕФнинг соғлиқни сақлаш ва овқатланиш масалалари бўйича минтақавий маслаҳатчиси Санжив Кумар, ЮНФПАнинг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори Ален Муширу, ЮНИДОнинг Европа ва МДҲ давлатлари бўйича минтақавий бюроси директори Гжегош Доночик, Япониянинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги минтақавий идораси бошқарувчи директори ўринбосари Мацуёши Кавасаки, ГЭЖ/БМТРД ижрочи мувофиқлаштирувчиси Яник Глемарик ана шуларни алоҳида таъкидладилар.

Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик инқирознинг асосий сабаблари аввалги даврларда ўйламасдан амалга оширилган хўжалик фаолияти, иқлим ўзгариши ва бошқа табиий жараёнлар билан боғлиқ. Оқибатда Орол денгизи сатҳи кейинги эллик йил ичида 4 баравардан кўпроққа қисқарди, сув 24 метрга пасайди, унинг ҳажми 10 мартага камайди.

Юртбошимиз жаҳон ҳамжамияти эътиборини юзага келган вазиятни яхшилаш учун комплекс чора-тадбирлар кўриш, биринчи навбатда, минтақа давлатлари томонидан Орол денгизи ҳавзасидаги чекланган сув ресурсларини бу ерда жойлашган барча мамлакатлар манфаатлари ва экологик талабларни ҳисобга олиб, ҳамкорликда, ўзаро келишилган ҳолда бошқаришни ташкил этиш зарурлигига қаратиб келади. Президент Ислом Каримов ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг 2007 йил августда Бишкекда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида минтақа трансчегара сув оқимларидан фойдаланиш бўйича Ўзбекистоннинг юқоридаги тамойилларга асосланган нуқтаи назарини аниқ баён қилган эди.

Ўзбекистон истиқлолга эришгандан кейинги дастлабки йилларда Оролни қутқариш халқаро жамғармасини ва минтақанинг иккита тузилмаси – Барқарор ривожланиш бўйича давлатлараро комиссия ва Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссиясини ташкил этишнинг ташаббускорларидан бўлди. Марказий Осиёнинг беш давлати раҳбарлари томонидан 1993 йилда Орол муаммоларини ҳал этиш, Орол минтақасини экологик соғломлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир биргаликдаги саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги битим, 1995 йилда Марказий Осиё мамлакатларининг ушбу соҳада ҳамкорликни кенгайтиришни кўзда тутган Нукус декларацияси имзоланди. Бу борада Орол денгизи ҳавзаси бўйича қўшма дастур амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда экологик бўҳрон оқибатларини енгиллаштириш масаласи давлат даражасида, комплекс равишда ҳал этилмоқда. Табиий ресурслардан фойдаланишни ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш фаолиятини тартибга солувчи қонунлар қабул қилинган. Мамлакатимиз ушбу соҳада асосий халқаро ҳужжатларга, жумладан, Трансчегара сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ҳамда улардан фойдаланиш конвенциясига қўшилган. Оролбўйи ҳудудига кирадиган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини умумий ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли дастурлар изчил амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Орол денгизи минтақасидаги ҳудудларнинг экологик аҳволини яхшилаш, ер емирилишининг олдини олиш ва қишлоқ хўжалиги салоҳиятини ошириш, аҳолини соғломлаштириш, сув билан таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш орқали қўшимча даромад олиш учун шарт-шароит яратиш бўйича қатор мақсадли лойиҳалар босқичма-босқич рўёбга чиқарилмоқда. Бунда аҳолини, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилишни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўнлаб замонавий таълим ва соғликни сақлаш муассасалари барпо этилган.

Оролнинг қуриган қисмида қум кўчкиларини қотириш, қурғоқчилик ва шўрланишга чидамли ўсимликлар экиш ҳисобидан бу ерларни ўзлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса аввал фойдаланилмаган ҳудудлардан яйлов сифатида фойдаланиш, пировардида чорвачиликни ривожлантириш имконини беради. Амударёнинг дельта ҳудудида сув майдони 150 минг гектардан ошадиган сув ҳавзалари ташкил этилмоқда. Бу ерда балиқчилик хўжаликлари иш бошлади. Буларнинг барчаси минтақани иқтисодий ривожлантиришга, аҳоли бандлигини оширишга, биохилма-хилликни тиклаш ва иқлимни яхшилашга ёрдам беради. Конференция иштирокчилари форум арафасида Оролбўйида бўлиб, бунга ишонч ҳосил қилдилар.

Кўплаб халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ таркибидаги агентликлар, молия институтлари – Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқалар ҳам Оролбўйидаги вазиятни барқарорлаштиришга кўмаклашмоқда. Масалан, Глобал экологик жамғарма кўмагида Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг Нукус филиали томонидан 22 лойиҳа ишлаб чиқилиб, уларнинг аксарияти амалга оширилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Борий Алихонов, соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров, иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Галина Саидова, «Ўзгидромет» маркази бош директори Виктор Чуб, «Экосан» халқаро ташкилоти раиси Юсуф Шодиметов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Ўрал Атаниёзова ва бошқалар шулар ҳақида сўз юритдилар.

Таъкидланганидек, Оролбўйидаги экологик инқироз билан боғлиқ кўпгина муаммоларни бир мамлакатнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмайди. Шу боис, форумда таъкидланганидек, Орол ҳавзаси сув ресурсларини бошқариш ва фойдаланиш тизимини мавжуд давлатлараро битимлар доирасида такомиллаштириш лозим. Бундай ҳамкорликни умумэътироф этилган халқаро меъёр ва қоидаларни ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш зарур. Минтақадаги барча давлатларнинг трансчегара сув оқимлари ва кўлларни ҳимоя қилиш, уларнинг сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича халқаро ҳужжатларга қўшилиши ҳам бу борадаги ишларга кўмаклашади.

Конференция доирасида параллел сессиялар ҳам бўлиб ўтди. Уларда Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш истиқболлари, экологиянинг аҳоли генофонди ва саломатлигига таъсири, бу борадаги вазифаларни ҳал этиш йўллари, Оролбўйида турмуш даражасини ошириш чора-тадбирлари каби муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Анжуман якунида «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзуидаги халқаро конференциянинг Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири
Д.ЮСУПОВ (ЎзА)
олган суратлар

СЎЗ – КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мэлс ЕЛЕУСИЗОВ – Қозоғистон Республикаси уюшмалари ва корхоналарининг «Табиат» экологик иттифоқи раиси, мамлакат Бош вазирининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қозоғистон Республикаси Мажлиси ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси аъзоси:

— Ўтган асрда сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш, суғориладиган майдонлар кенгайиб Оролбўйи минтақасида кескин ижтимоий ва экологик вазият пайдо бўлишига олиб келди. Ҳар йили Оролнинг қуриган қисмидан миллионлаб тонна туз ва чанг кўтарилиб, жуда катта ҳудудда ҳаво ва тупроқ ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Бу эса келажак авлодлар саломатлигига, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига салбий таъсир кўрсатаётир. Шу боис бугунги кунда Оролбўйи генофондини асраш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Тошкентда ўтказилган мазкур конференция муҳим аҳамиятга эга. У минтақамиздаги экологик ҳолатни яхшилаш, тупроқ қатламини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тиклаш, қишлоқ хўжалигини илмий асосланган тизимга ўтказиш, сув захираларидан фойдаланишнинг тежамкор усулларини ишлаб чиқиш, минтақада истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда Оролбўйидаги экологик, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш борасида ниҳоятда катта ишлар амалга оширилаётгани эътиборга молик. Мазкур глобал муаммо оқибатларини енгиллаштириш йўлида биргаликда ҳаракат қилишимиз, бу ишга жамоатчиликни кенг жалб этишимиз ва халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашимиз лозим.

Жейхан СУЛТОНЎҒЛИ — БМТ Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича дастурининг минтақавий бюроси директори ўринбосари:

— Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан ўтказилган «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзуидаги мазкур халқаро конференция ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Чунки Оролдаги экологик бўҳрон нафақат минтақавий, балки глобал муаммодир. Орол денгизи қуришининг, унинг йирик экологик инқирозга айланишининг сабабларидан бири иқлим ўзгаришидир. Орол денгизининг фожиага юз тутиши оқибатида мазкур ҳудудда юзага келган нохуш экологик вазият инсон саломатлиги, атроф-муҳит мусаффолиги, айниқса, келажак авлодлар тақдирига катта салбий таъсир кўрсатади. Шу боис Оролбўйи генофондини асраш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Юртингизда Оролбўйида экологик муҳитни яхшилаш, ушбу муаммога халқаро ҳамжамият эътиборини қаратиш ва минтақадаги давлатлар билан ҳамкорликда муаммоларни ечиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 1995 йили Нукус шаҳрида Орол денгизи муаммоларига бағишлаб ўтказилган халқаро конференция мазкур муаммони ҳал қилишда муҳим қадам бўлган эди. Тошкентда ўтказилган ушбу йирик анжуман Оролбўйи ҳудудидаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш ва яхшилашга хизмат қилишига ишонаман.

Гжегош ДОНОЧИК — БМТ Саноатни ривожлантириш ташкилотининг (ЮНИДО) Марказий Осиё бўйича дастурлари бўлими раҳбари:

— Мамлакатингизда истиқлол йилларида Орол муаммосининг салбий таъсирини камайтириш, минтақа аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани эътиборга лойиқ. Бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари, халқаро тузилмалар ҳамкорлигида талай ишлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ташкилотимиз Оролбўйи аҳолисининг бандлик даражасини ошириш, унинг барқарор даромад олишини ташкил этиш борасида қатор лойиҳаларни амалга ошириш ниятида. Бундан кўзланган асосий мақсад одамларнинг турмуш тарзини янада яхшилашдан иборат.

Оролбўйида юзага келган глобал экологик муаммо нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки Ер шарининг бошқа ҳудудларига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Муаммоларнинг олдини олиш эса дунё мамлакатлари ва халқаро ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашни тақозо этади.

Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбирлари

Фракция йиғилиши

(Давоми. Боши 1-бетда)

Барча текширишлар натижасида аниқланган тизимли камчиликлар асосида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича Ҳисоб палатасининг тегишли экспертизасидан кейин Олий Мажлис палаталари билан ҳамкорликда «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунга ва «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Фракция йиғилишида, шунингдек, Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган **«Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси кўриб чиқилди. Шу масала бўйича Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Турсуной Абдуллаева маъруза қилди.

Қонун лойиҳасида чет эл фуқароларининг республикада бўлиш қоидаларини бузиш жинояти учун жиноий жавобгарлиги назарда тутилмоқда. Таклиф қилинаётган ўзгартиш ноқонуний миграцияга қарши курашга қаратилган чораларнинг самарадорлигини ҳамда чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя этиш этиш борасидаги масъулиятини янада оширади.

Фракция йиғилишида Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган **«Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилиш ҳақида»**ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Мазкур Конвенция ишга қабул қилишда энг кичик ёшни белгилашда халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Конвенциянинг 1-моддаси Конвенция кучга эга бўлган Халқаро Меҳнат Ташкилоти аъзоларига болалар меҳнатини самарали тугатишни ва ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшни, ўсмирларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишига бирмунча тўлиқ мос келувчи даражагача босқичма-босқич кўтаришни таъминлашга қаратилган миллий сиёсатларини юргизиш мажбуриятини юклайди.

Йиғилишда, Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган **«Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Гулистон Аннақличева маъруза қилди.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган **«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»**ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фахриддин Ражабов маъруза қилди.

Шунингдек, фракция йиғилишида Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган **«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси учинчи ўқишда кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов маъруза қилди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида

Мулоқотнинг синалган усули

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айрим масалалар, чунончи, иш ҳақи ўз вақтида тўланмаётгани, кредит берилмаётгани ҳақида мурожаатлар деярли тушмагани мазкур масалалар аста-секин доимий ечимини топиб бораётганидан далолат беради. Бундай таҳлиллар партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилашда шубҳасиз, бирламчи роль ўйнайди.

ЎзХДП вилоят кенгаши ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхонасида партия фаоллари ўз вазифаларидан келиб чиққан ҳолда кўтарилажак масалаларнинг тегишли йўналишларини бўлиб олишган. Масалан, ЎзХДП вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгаши депутати Алишер Тошматов Гулистон шаҳридан қабулга келувчиларни, раис ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳаётхон Ортиқбоева Гулистон, Оқолтин, Мирзаобод, Сардоба туманлари фуқароларини, ЎзХДП вилоят ташкилоти тафтиш комиссияси раиси, Омбудсманнинг вилоятдаги минтақавий вакили, юридик фанлари номзоди Рустам Турдиев ҳуқуқий масалалар, ЎзХДП вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Шуҳрат Худойбоқов иш билан таъминлаш масалалари, «Истиқбол» ёшлар қаноти раҳбари Шерзод Бобожонов ёшлар муаммолари бўйича келганларни қабул қилиши таомил тусига кирди. Шуниси диққатга сазоворки, қабулга келганларнинг мурожаатларини ҳал этишда Вадим Дубков, Гулсара Одилова, Гулнора Куввато-ва, Сайфулло Абдуқодиров, Бобур Алиев каби вилоят Кенгаши депутатлари ҳам яқиндан ёрдам беришмоқда. ХДПдан Гулистон шаҳар Кенгашига сайланган депутатлар Солия Давлатова, Сабоҳат Зуннунова, Эргаш Халилов, Раъно Бобоевалар фаолияти ҳақида ҳам худди шундай илиқ гапларни айтиш мумкин. Шаҳар Кенгашининг депутатлари Эски шаҳар мавзесидаги Фарҳод, Муқимий, Маданият маҳаллалари аҳолиси билан «Очиқ мулоқотлар куни» ўтказишни анъана тусига киритишди.

Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини ўрганиш жараёнида бир нарсага ишонч ҳосил қилдик: қайси қабулхонада ташкилотчи, жонкуяр, ишнинг кўзини билган киши иш юритаётган бўлса, ўша ерда жонли фаолият ҳукм сураяпти. Боёвут туманидаги қабулхона раҳбари Раббимқул Иброҳимов ҳақида худди шундай дейиш мумкин. 2007 йилда қабулхона қайдлар китобида 104 та мурожаат рўйхатга олиниб, уларнинг аксарияти партия ташкилотлари ва депутатлар ёрдамида ҳал қилиб берилган. Масалан, тумандаги 2 та мактабнинг мукаммал таъмири, «Тараққиёт» қишлоғини газ, сув билан таъминлашга доир мураккаброқ масалалар ҳам кўтарилган эди. Ҳар икки мактабнинг таъмири тегишли соҳа мутахассислари ёрдамида кўриб чиқилиб, ўқитувчиларнинг эътирозлари ўринли деб топилди ва мазкур масала хўжалик судига оширилди. Суд даъвони асосли деб топиб, тегишли ҳал қилув қарори чиқаргач, пудратчи ташкилотлар ўз ҳисобларидан таъмирдаги камчиликларни бартараф этишга мажбур бўлишди. Ҳомийлар, шунингдек, аҳолининг ўз кучи билан газ, сув таъминотидаги муаммолар ҳам бартараф этилди.

Фуқаро аввало ўзи масаланинг моҳиятини, бораётган жойининг имконият ва салоҳиятини яхши билганидан сўнггина муайян бир жойга мурожаат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда ва фуқароларнинг мурожаатлари ўрганилганда маълум бўлдики, етими йўқ масаланинг ўзи йўқ. Баъзи фуқаролар бирор иш юзасидан маслаҳат сўраб келишади. Уларга малакали ҳуқуқий маслаҳат бериш учун барча шаҳар, туманлардаги Жамоатчилик қабулхоналарига тажрибали ҳуқуқшунослар бириктирилди.

Хуллас, Жамоатчилик қабулхоналари партия электорати манфаатига хизмат қилаяпти.

Мунаввар ПАРДАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Истеъмолчилар ҳуқуқи

кафолатли ҳимояланади

1996 йил апрель ойида қабул қилинган «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган, истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш кафолатларига бағишланган асосий Қонундир. Маълумки, истеъмолчилар бозор муносабатларининг ажралмас ва энг муҳим бўғинидир. Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш уюшмалари Федерацияси 1997 йил Шайхонтоҳур туманида 11 кишидан иборат ташаббус гуруҳи сифатида ташкил этилган эди. Йилма-йил ўз фаолият доираси кенгайиб боргани учун ниҳоят, у 1999 йилда Республика истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш Жамияти номи билан рўйхатдан ўтди. 2000 йилда эса Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш уюшмалари Федерацияси деб қайта номланиб, республикамизнинг 9 та вилоятида ўз филиалларини ҳам очди.

Федерация истеъмолчилик маданиятини ошириш мақсадида ҳар йили бир қатор тадбирлар ва танловлар ўтказади. 15 мартда эса пойтахтимиздаги «Халқлар дўстлиги» саройида Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш кунига бағишланган байрам концерти бўлиб ўтади.

Моҳинур ҚОДИРОВА

Бугунги кунда Дилфуза Халиловани нафақат Пайариқ туманида, балки Самарқанд вилоятида ҳам кўпчилик яхши билади. У Самарқанд давлат университетининг биология факультетини тамомлаб, тумандаги 75-умумтаълим мактабида иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо тезда ўз жамоаси ва ўқувчилари ўртасида обрў-эътибор қозонди. Ўтган йили жонкуяр ва фидойи устоз Дилфуза Халилованинг хизматлари эътиборга олиниб, «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. Унинг биология ва маънавият фани бўйича ўтказган ноанъанавий дарслари вилоят миқёсида оммалаштирилди. «Соғлом авлод» номли мини театр гуруҳининг ташкил қилинганлиги ҳам ўқувчиларни она-табиат, ўсимликлар дунёси ва ҳайвонот олами билан яқиндан танишишга катта ёрдам бермоқда.

«Табиат — ёшлар нигоҳида» ўтган республика, «Табиат ва сув» каби вилоят миқёсидаги турли-туман танловларда ушбу мактаб ўқувчилари юқори ўринларни эгалладилар.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Қарши шаҳридаги М.Тошмуҳаммедов номли вилоят мусиқали драма театрида Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари билан биргаликда «Аёл билан гўзал жаннату баҳор» деб номланган тадбир ўтказди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзоси, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ректори, профессор Муродилла Нормуродов мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ривожидаги иштирокини таъминлаш ва фаоллигини ошириш, қолаверса, соғлом авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўз юритди.

Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, жамият тараққиёти, комил фарзандлар тарбияси йўлида фидойилик кўрсатиб келаётган аёллар ва фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон ХДП Хонқа туман кенгаши ал-Хоразмий номли 48-ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчи-ёшлари иштирокида «Ҳаётнинг балоғат бекати» мавзуида давра суҳбати ташкил этди. Унда туман партия кенгаши раиси Аҳмаджон Воисов 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши эртанги кунимиз эгалари бўлган ёш авлод тарбияси, унинг камолоти учун яна бир муҳим қадам эканини таъкидлади. Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 февралдаги мажлисида қилган маърузаси асосий қоидаларини тушунтириб берди. Туман ФҲДЁ бўлими мудири, Ўзбекистон ХДП Хонқа туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти аъзоси Дармонжон Зарипова соғлом авлод тарбиясида никоҳнинг ўрни ҳақида тўхталиб, ёшларга никоҳни қайд этиш тартиби ва бошқа муҳим қоидалар ҳақида сўзлади.

Янгиариқ туман кенгаши 40-ихтисослаштирилган мактабда «Келажагимиз — ёшлар қўлида» мавзуида давра суҳбати ўтказди. Сўзга чиққанлар Ўзбекистон ХДП ташкилотлари томонидан ёшлар масалаларида амалга оширилаётган ишларга тўхталиб, Ёшлар йилида партия маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари олдида турган долзарб вазифаларга эътибор қаратдилар. Шундан сўнг партия фаоллари ўқув даргоҳида таълим олаётган ўқувчиларнинг қизиқишлари, санъат йўналишида олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишдилар.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати.

Истиқлол имкониятлари

Пахтамиз хомашёси сифати

жаҳон андазаларига мос... Бу — мамлакатимиз ғазнасига тушадиган нақд валюта дегани

— дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги республика «Sifat» марказининг Қорақалпоғистондаги ҳудудий лабораторияси раиси, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими Комил РАҲИМОВ.

— Кейинги уч йил қорақалпоғистонлик пахтакорлар учун омадли келди, — гап бошлади ҳамсуҳбатимиз. — Пахта хомашёси тайёрлаш йиллик шартномавий режалар сурункасига ошириб бажарилаяпти. Масалан, ўтган 2007 йил ҳосили 196 минг тоннадан ошди. Мана шу хомашё ҳозир «Қорақалпоқпахтасаноати» ҳудудий акциядорлик бирлашмасига қарашли «Манғит юлдуз», «Хўжайли толаси», «Тўрткўл оқолтини», «Халқобод момиғи», «Элликқалъа олтин толаси» ва «Беруний пахта тозалаш» заводи сингари тармоқ корхоналарида пешма-пеш қайта ишланмоқда.

Маҳсулотларнинг жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ҳудудий лабораториямиз жамоаси пахта толаси ва маҳсулотларни сертификатлаштириб, сифатини назорат қилишга жиддий эътибор қаратмоқда.

— Айтинг-чи, мустақиллик йилларига келиб, пахта хомашёси ва тола навини аниқлашда қандай янги стандартлар жорий этилди?

— Истиқлол йилларида жаҳон бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда пахта хомашёси ва тола стандартлари тубдан ўзгарди. Собиқ иттифоқ даврида уни аниқлашда асосий кўрсаткич — солиштирма узилиш кучи бўлса, янги стандартларда жаҳонда қўлланиладиган энг муҳим кўрсаткич — толанинг ранги ва ташқи кўриниши бўйича қабул қилинади. Шунга кўра, мамлакатимизда жаҳон талаблари билан уйғунлаштирилган пахта толасининг янги стандартлари ишлаб чиқилди ва бу халқаро бозорда тан олинди.

Натижада, илгариги стандартлардан фойдаланилганига нисбатан I нав пахта толасининг миқдори 2,5-3 мартагача ошди ёки у ҳозир ишлаб чиқарилаётган толанинг 80 фоизигачасини ташкил этмоқда. Бу ўз навбатида эски стандартлар давридагига нисбатан пахта етиштирувчи хўжаликларга эндиликда ҳар йили қўшимча 40-50 миллиард сўм атрофида даромад келтирмоқда. Шунингдек, янги стандарт бўйича қабул қилинган пахтанинг кондинцион вазнини аниқлаш учун қўлланиладиган меъёрларга ҳам ўзгартиришлар киритилган. Бунда хомашёнинг ўртача 2-2,5 фоизи хўжаликларга қўшимча ҳисобланиб, йилига уларга 15-16 миллиард сўмдан кўпроқ қўшимча даромад бермоқда.

— Энди, бевосита Ўзбекистон «Sifat» марказининг пайдо бўлиши ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий лабораторияси ишлари ҳақида таништирсангиз...

— Жаҳон бозорининг талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда ҳукумат қарорларига асосан 2000 йилдан бошлаб, Республикада «Sifat» маркази ташкил қилинди ва унинг ҳудудий лабораториялари вилоятларда муваффақият билан иш олиб бормоқда. Бу лабораториялар энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. 2002 йил ҳосилидан бошлаб, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси билан «Sifat» маркази биргаликда жаҳон бозори ва харидорлар талабига жавоб берадиган ҳар бир той толасини сертификатлаш жорий қилинди. Толани харидорларга етказишда ўзгартиришлар бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июндаги қарорига асосан, ҳозир пахта толаси сифатини таъминлаш масъулияти пахта тозалаш корхоналаридан вилоятларда ташкил қилинган терминалларга юкланган. Терминаллар ўз навбатида ташқи савдо компаниялари билан тузган шартномаларга асосан пахта толасини экспортга тайёрлайди. Республика ички истеъмолчилари эса товар хомашё биржалари орқали аукционда қатнашиб, терминаллардан сотиб олади.

Терминалларнинг ташкил қилиниши ва ҳар бир тойлар бўйича толани сертификатланиши харидорларга қулай шароит яратди. Харидорлар терминалларга йиғилган тола партияларининг сифат кўрсатгичларини кўриб чиқиб, эътирозлари бўлса, «Sifat» маркази ва пахта тозалаш корхоналари вакиллари билан биргаликда терминалларда ҳал қилиш имкониятларига эга бўлишди. Пировардида, пахта толаси сифатига келадиган эътирозлар бутунлай йўқолди.

Ўзбекистон «Sifat» марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий лабораторияси фаолиятига келсак, бизда ўрнатилган HVI 900 SA ярим автоматик тизими маркетинг пахта тизимида белгиланган еттита физик тавсифларни ўлчайди. Улар: тола узунлиги, пишиқлиги, бир хиллиги, узайиши, микронейри, ранги ва ифлосланганлик кўрсаткичларидир. Бу хоссаларнинг барчаси тола сифатини аниқлашда ва аралашмани тўқишга тайёрлашни яхшилашда жуда муҳим. Чунки толанинг тойматой синфлари натижалари синфлар далолатномаси билан расмийлаштирилади.

— Далолатноманинг ўзи ҳақида ҳам қисқача маълумот берсангиз...

— Далолатномада тола O'zDSt 604 талабларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги кўрсатилади. Номувофиқ бўлса, синов далолатномасида тола сифати нуқсонлари (код орқали) ифода этилиши керак. Уни супервайзер ва классификатор имзолагач, ҳудудий лабораторияда тасдиқланиб, бир нусхаси завод вакилига берилади. Ҳудудий лабораториядаги ваколатли вакил синовлар баённомаси асосида синовдан ўтказилган пахта толаси тўдаларига иккита дубликат нусхаси бўлган мувофиқлик сертификатини расмийлаштириб, уни рўйхатдан ўтказади ва ҳудудий лаборатория муҳри билан тасдиқлайди. Мувофиқлик сертификатининг асл нусхаси етказиб берувчи вакилга, дубликат нусхасининг бири эса — буюртмачига берилиб, бошқаси ҳудудий лабораторияда қолдирилади. Зеро, мувофиқлик сертификати пахта толаси давлат стандарти талабларига жавоб беришини тасдиқлайди ва тола экспортга, шунингдек, республика ичкарисидаги истеъмолчиларга сотиш мумкинлиги учун мажбурий ҳужжат ҳисобланади. Кейин эса ҳар бир намунанинг синов натижалари электрон тармоқ орқали лаборатория маълумотлари базасига келиб тушади. Бу маълумотлар ҳар куни сервер модеми орқали Тошкентдаги Миллий маълумотлар базасига юборилади. Ҳудудимиз корхоналарида ишлаб чиқарилиб, «Қорақалпоғистон «Sifat» ҳудудий лабораториясида синовдан ўтган пахта толаси тўдалари «Парвоз» ва «Қорақалпоқ тола» пахта терминалларида сақланади ҳамда шу ерда истеъмолчи томонидан қабул қилинади...

Мана шу барча жараёнларни вақтида, сифатли бажарилишида Марат Палуашов, Азат Худайберганов, Баҳодир Турешов, Муҳаббат Терешова, Берик Султонов, Саида Арабоева, Гулзода Арзимова сингари ўнлаб ўз ишининг усталари бор. Уларнинг самарали меҳнати билан бугун Қорақалпоғистон Республикаси пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган пахта маҳсулотларининг 90 фоиздан кўпроғи хорижий мамлакатларга нақд валютага сотилмоқда...

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

Мижозлари кўпайиб, нуфузи ошаётган

Ўзмиллийбанк Термиз бўлими фаолияти ҳақида

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Термиз бўлими ёнида Қумқўрғондаги «Чорвадор» хусусий корхонаси раҳбари Раҳмиддин Шароповни учратиб қолдик. Унинг кайфияти чоғ эди.

— Миллий банкнинг мижозига айланганимдан буён ишларим юришиб кетди. Биласизми, илгари биз оддий жайдари қорамолчилик билан шуғулланардик, — дейди у. — Сигирларни қанча парваришласак ҳам, сифатли озуқалар билан боқсак ҳам маҳсулдорлик паст эди. Бундан икки йил аввал фермамиздаги қорамоллар зотини яхшилашга қарор қилдик. Бунинг учун эса каттагина маблағ зарур эди. Польшадан ўттиз бош «Гольштейн» наслли зотдор молларни сотиб олиш юзасидан шартнома имзолаб, ушбу лойиҳани миллий банкнинг Қумқўрғон филиалига тақдим этдик. Лойиҳани молиялаштириш учун миллий банк 100 миллион сўм миқдорида кредит ажратиб берди. Наслдор қорамоллар бизнинг иссиқ иқлим шароитимизга тезда мослашди. Олинаётган сут ва сут маҳсулотлари сифатлилиги билан ажралиб туради. Шу боис маҳсулотларимиз харидоргир. Олган қарзимизни узиб бораяпмиз. Дарвоқе, 2007 йилда пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да ўтказилган «Агроминитех экспо-2007» минитехнологиялар кўргазма савдосида ҳам иштирок этиб, сутни қайта ишлайдиган цехни сотиб олиш юзасидан шартнома тузиб келгандим. Миллий банкнинг Қумқўрғон филиали бунинг учун яна 16 млн. сўм миқдорида кредит ажратиб берди...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил май ойидаги «Шахсий ёрдамчи ва фермерлар хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Сурхондарё вилоятида наслли қорамоллар сонини кўпайтириш бўйича Ўзмиллийбанкнинг Термиз бўлими ва филиаллари томонидан аниқ чора-тадбир ва дастур ишлаб чиқилган. Шу дастур асосида ўтган икки йил давомида анчагина ижобий ишлар қилинди. Умуман банк филиали бўйича ўтган йил бундай ишлар учун 430,7 млн. сўм кредит берилди. Банк филиали томонидан айниқса, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили 146 нафар аёлга 403 млн. 200 минг сўм кредит ажратилганлиги фикримиз далилидир. Бу маблағ эвазига тикувчилик, ҳунармандчилик, касаначилик, айниқса, хонадонларда шахсий чорва молларини кўпайтиришга эътибор кучайди. Қўшимча равишда 150 та янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллийбанкининг фермойишига асосан Сурхондарё вилояти туманларида ташкил қилиниши режалаштирилган иссиқхоналар қурилишини амалга оширишни назорат қилиш вазифаси Ўзмиллийбанк Термиз бўлимига юклатилган. Бу ишни рўёбга чиқариш мақсадида Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, Марказий банк вилоят Бош бошқармаси ҳамда Миллий банкнинг Термиз бўлими вакиллари ҳамкорликда танлаб олинган мижозлар томонидан лойиҳа қиймати 692,5 млн. сўмлик 20 та иссиқхона 14,66 гектар майдонда бунёд этилиши режалаштирилганди. Ҳақиқатда эса 2007 йил давомида вилоят туманларида жами 580,5 млн. сўм қийматидаги лойиҳалар, яъни 18 та янги иссиқхона 12,1 гектар майдонда ташкил қилинди. Ушбу янги ташкил қилинган иссиқхоналар учун банк томонидан 331,0 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратиб берилган. 2008 йилда ҳам бундай саъй-ҳаракатлар давом эттирилади.

Ўзмиллийбанк Термиз бўлими фермерларга қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб бериш юзасидан 12 та лойиҳани 2007 йилда молиялаштирган эди. Яъни замонавий техника сотиб олиш учун банк кредитлари ҳисобидан 515 млн. сўм маблағ ажратилди. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар харид қилиш учун тайёрланган 127,2 млн. сўмлик ўнта лойиҳа ҳам молиялаштирилди. Ана шундай истиқболли лойиҳаларга 32,32 млн. сўмлик маблағ ажратилди. Масалан, Миллийбанкнинг Жарқўрғон филиали мижози ҳисобланмиш Абдукарим Ибодуллаев раҳбарлигидаги «Пайғам» фермер хўжалиги банкдан 26,7 млн. сўм миқдорида кредит олиб, «Беларус — МТЗ-80,11» русумли трактор сотиб олди.

Сурхондарё вилоятида Германиянинг «Класс» компаниясида ишлаб чиқарилаётган замонавий сифатли «Класс» Доминатор-130» русумли олтита дон ўриш комбайнларини банк кредити ҳисобига молиялаштириш режаси белгиланганди. Йил давомида лойиҳа бўлим томонидан тўлиқ амалга оширилган ва ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 876,0 млн. сўм миқдорида имтиёзли, узоқ муддатли кредитлар ажратиб берилган. Белгиланган режа 100,0 фоизга бажарилди. Мисол тариқасида айтиб ўтадиган бўлсак, «Ўзмиллийбанк» Термиз бўлими мижози ҳисобланган Бахтиёр Қиличев бошлиқ «Янги аср» фермер хўжалиги 146,0 млн. сўм миқдоридаги банк кредити ҳисобига «Класс Доминатор-130» русумли битта дон ўриш комбайнини харид қилди ва иккита янги иш ўрни яратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий мадад бериш борасида ҳам анчагина ишлар қилинди. Барча молиялаш манбалари ҳисобидан 2007 йилда жами 5 млрд. 364 млн. 261 минг сўм кредит берилиб, бу борадаги режа 245,7 фоизга уддаланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар бажарилди. Жами 650 млн. сўмлик кредит ана шу мақсадда ажратилган бўлса, шундан 278 млн. сўми ипотека кредити, 136 млн. сўми истеъмол кредити, 237 млн. сўми микрокредитдир. Бу борадаги режа 100,2 фоизга бажарилди.

Замонавий хизмат тури — пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётир. Улардан чакана савдо, коммунал тўловлар ва бошқа турдаги хизматлар тўловида фойдаланилмоқда. Пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш мақсадида вилоят Миллийбанки томонидан 2008 йил 1 февраль ҳолатига жами 42556 та пластик карточкалар мижозларга тарқатилди. 124 та савдо, хизмат кўрсатиш нуқталарига савдо терминаллари ўрнатилган бўлиб, улар орқали 2007 йил давомида 2 млрд. 139 млн. сўмлик савдо айланмаси амалга оширилди. 75 та бюджет ва хўжалик юритувчи субъектлар билан иш ҳақи тўловларини пластик карточкаларга ўтказиш бўйича иш ҳақи лойиҳаси шартномалари тузилган.

«Ўзмиллийбанк» Термиз бўлими филиалларида учта минибанк ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда 52 та фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиб келинмоқда. 2007 йил давомида ушбу фермер хўжаликларига ажратилган кредитлар қолдиғи 289 млн. 470,0 минг сўмни ташкил этиб, фермер хўжаликларига ажратилган транш маблағлари 440009,2 минг сўмни ташкил этмоқда. Минибанклар 2007 йилни 17997,1 минг сўм даромад билан якунлади.

«Ўзмиллийбанк» Термиз бўлими ва унинг филиаллари томонидан 2007 йил мобайнида аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. 2006 йилда 1 млрд. 504318,0 минг сўм коммунал тўлов қабул қилинган бўлса, 2007 йилда 2 млрд. 543149,0 минг сўм коммунал тўлов қабул қилинди. 2006 йилга нисбатан 1 млрд. 038831,0 минг сўм ўсишга эришилди. Шу жумладан, Миллийбанк Термиз бўлими томонидан хўжалик юритувчи субъектлар қошида ташкил этилган махсус кассалар орқали 701 млн. 618,0 минг сўм маблағ қабул қилинди.

Мухтасар қилиб айтганда, Миллий банкнинг Термиз бўлими вилоятдаги энг нуфузли молиявий муассасалардан бирига айланиб бормоқда. Шу боис ҳам унинг мижозлари кўпайиб, нуфузи тобора ошиб бораяпти.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Ёш оилаларга янги уй-жой

«Зилола пойдевори» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Рустам Саломов ташаббуси билан АТ «Саноатқурилиш банк» Навоий вилоят филиалидан олинган узоқ муддатли 1 миллиард сўмлик кредит эвазига ёш оилалар учун замонавий турар жой бинолари қуришга киришилди. Навоий, Зарафшон шаҳарларида қад ростлайдиган мазкур уйлар шу йил охиригача фойдаланишга топширилади.

(Ўз мухбиримиз)

XORIJDA

Муносабатларнинг навбатдаги босқичи

Россия ва Хитой халқаро саҳнада ҳамкорликни кучайтириши лозим, деди Хитой ташқи ишлар вазири Ян Цзечи. РИА Новостининг хабарига кўра, вазир Хитой умумхалқ сессиясида Россия ва Хитой дунёда барқарорликни таъминлашга кўмаклашиш учун ўзаро ҳамкорлик қилиши лозимлигини айтган.

Унинг фикрича, айни вақтда Россия — Хитой муносабатлари ривожланишнинг иккинчи босқичига кўтарилди. Вазир ҳамкорликнинг уч йўналиши белгиланганини изоҳлади: ўзаро манфаатларни қўллаб-қувватлаш, икки томонлама тижорий ва инсонпарварлик алоқаларини мустаҳкамлаш.

Комиссар ташриф буюради

Европа Иттифоқининг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссари Томас Хаммарберг 12-15 март кунлари Арманистонга ташриф буюради, деб хабар беради РИА Новости.

Ташриф давомида Хаммарберг Арманистон президенти Роберт Кочарян, бош вазир Серж Саркисян, ташқи ишлар, адлия вазирлари, полиция раҳбари, бош прокурор, инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Армен Арутюнян, парламент спикери ва мухолифат вакиллари билан учрашади. Комиссар Арманистонга мамлакатдаги зиддиятли сиёсий вазиятни муҳокама қилиш учун келади.

Эслатиб ўтамиз, мухолифат 20 февраль куни Ереван марказида сайлов натижаларидан норозилик сифатида митинг ўтказганди. Намойишчилар ва полиция ўртасида бўлиб ўтган тўқнашув натижасида 8 киши ҳалок бўлиб, 200 дан ортиғи жароҳатланган.

Ташриф доирасида Хаммарберг қамоқхоналар, полиция бўлинмалари ва митингда иштирок этган намойишчилар жойлашган шифохонани бориб кўради.

Иш ташлаш

Ҳиндистонда ҳукуматга қарашли 129 та аэропортнинг 15 мингдан зиёд ишчиси иш ташлаш эълон қилди. Ишчиларнинг норозилигига икки йирик аэропорт — Бангалор ва Ҳайдарободдаги аэропортларнинг ёпилаётгани сабаб бўлган, деб хабар беради The Times of India.

Касаба уюшмалари уюштирган иш ташлашнинг асосий сабаби — ташқи ва ички рейслардаги узлуксиз тўхталиб қолишлардир. Иш ташлашда асосан ўт ўчирувчилар, юк ташувчилар ва фаррошлар иштирок этмоқда.

Яқин кунларда Бангалор ва Ҳайдарободда янги аэропортлар очилиши муносабати билан эскирган аэропортлар ёпилиши режалаштирилган. Мутахассислар фикрича, мазкур иш ташлаш ҳукумат учун ўн миллион доллар миқдорида зарар келтириши ва сайёҳларнинг кескин камайишига олиб келиши мумкин.

...Спиртда юради

Бразилияда бир вақтнинг ўзида ҳам бензин, ҳам спиртда юрадиган автомобиллар сони беш миллиондан ортиб кетди, деб хабар беради РИА Новости.

Бразилия машина ишлаб чиқарувчи миллий уюшмасининг айтишича, сотилаётган машиналарнинг 88 фоизини «флекс» тизимли, яъни ҳам бензин, ҳам спирт ва биоёқилғи билан ишлайдиган машиналар ташкил этади. Бу технологияга 2002 йилда патент берилган. Унга кўра, ҳайдовчи нафақат бензин ёки спиртдан фойдаланиши, балки уларни турли нисбатда аралаштириб ишлатиши ҳам мумкин. Мутахассислар айтишича, бундай хилдаги машиналар 2013 йилга келиб Бразилиядаги автомобилларнинг 52 фоизини ташкил этади. Бразилия спиртни ёқилғи сифатида ишлатиш бўйича 30 йиллик тажрибага эга.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси

Қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича қайтадан очиқ танлов савдосини эълон қилади:

1. Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Ўзак қишлоғидаги 720 ўқувчи ўринли 31-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.

Объектнинг ҳисобланган бошланғич нархи ҚҚС билан — 146 880 000 сўм.

Қурилишни якунлаш муддати — 2008 йил 1 август.

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.

Телефон: (8-369) 226-22-60, 33-77-06.

Қурилиш ишлари ***Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси***га ажратилган мактаб жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.

Телефон/факс: (8 369) 226-14-50, 226-17-91.

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: **Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уй.**

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Ўзбекистон Бадиий академияси «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси билан ҳамкорликда ЮНЕСКОнинг Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган юбилей медалининг энг яхши эскизини тайёрлаш бўйича эълон қилган

ОЧИҚ ТАНЛОВ

шу йилнинг 21 мартигача давом этади

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

— танловда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари иштирок этиши мумкин;
— танлов икки босқичда ўтказилади;
— биринчи босқичда кейинги босқичда иштирок этиши учун энг яхши учта иш танлаб олинади;
— танловнинг иккинчи ғолиби 700000 сўм миқдоридаги мукофот билан тақдирланади;
— биринчи босқичнинг энг яхши ишлари **«Sen Yolg'iz Emassan»** республика жамоатчилик болалар жамғармасининг дипломлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланади;
— танлов якунлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади;
— иштирокчиларнинг ишлари ва эскизлари қайтарилмайди (муаллифлик ҳуқуқи сақланиб қолади).

Лойиҳалар 2008 йил 21 мартгача Тошкент шаҳри Ш.Рашидов кўчаси, 40– уй, Ўзбекистон Бадиий академиясида қабул қилинади.

Танловнинг техник шартлари билан қуйидаги телефонлар орқали танишиш мумкин:

256-34-07 — Ўзбекистон Бадиий академияси,
232-14-03 — «Sen Yolg'iz Emassan» республика болалар жамоатчилик жамғармаси

Баркамол авлод орзуси

Фаол, гўзал, спортчи...

Сўнгги йилларда партиямиз сафлари фаол, ташаббускор ёшлар ҳисобига мустаҳкамланиб бораяпти. Улар орасида талабалар, турли касб эгалари, умидли спортчилар талайгина.

Дилноза Ўрозова ҳақида ҳам шундай дейиш ўринли. Хива педагогика касб-ҳунар коллежи талабаси тенгқурлари орасида нафақат ўзига талабчанлиги, иқтидори, балки сиёсий фаоллиги билан ҳам назарга тушган.

— Дилноза таълим олаётган даргоҳидагина эмас, балки туманимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам фаол, — дейди Янгиариқ туман партия кенгаши раиси Раҳима Машарипова. — Янгиариқлик бу қиз партиямиз ўтказаётган тадбирлар, айниқса, миллий ғоя тарғибига бағишланган давра суҳбатларининг ташкилотчиси ҳамдир. Ўз тенгқурларига миллий истиқлол ғояларини етказишда, партиямизнинг ёшларга оид сиёсатини тарғиб қилишда фаоллик кўрсатаяпти, кучғайратини аямаяпти. «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли Дилноза спортнинг каратэ тури бўйича қатор мусобақалар ғолиби ҳамда энг муҳими — у табиатан хушмуомала, иқтидорли қиз.

Рўзимбой ҲАСАН

Футбол

«Насаф» ўз шуҳратини тиклайди... МИ?

Футбол бўйича Қаршининг «Насаф» жамоаси турли йилларда (2000, 2001, 2005, 2006) мамлакат миллий чемпионатлари бронза медалларига сазовор бўлган. Осиё кубоги эгалари кубоги баҳсларининг 2001/2002 йилги учрашувларида муносиб натижани қайд этиб, Осиё футбол конфедерациясининг «Ҳалол ўйин учун» махсус совринини қўлга киритган. Аммо ўтган мавсумда жамоа аъзолари мухлислар кутган ўйинларни намойиш эта олишмади ва Ўзбекистон XVI миллий чемпионатида олтинчи ўрин билан кифояланишди.

Янги мавсум арафасида Қаршида профессионал футбол клубини шакллантириш йўлида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзбекистон XVII миллий чемпионатига жиддий ҳозирлик билан киришган «Насаф» жамоасига тажрибали мутахассис Виктор Васильевич Борисов бош мураббий этиб тайинланди. Таркибга мамлакатимизнинг етакчи жамоаларида тўп сурган моҳир футболчилар Ботир Қораев, Ҳамза Каримов, Жасур Бобоев (барчаси «Машъал»дан), Ярослав Крушельницкий («Андижон»)лар келиб қўшилди. Шунингдек, «Насаф» футбол клуби Максим Чеботарь («Звезда» Серпухов, Россия), Рамаз Жабнидзе («Динамо» Ботуми, Грузия), Михаил Пилипко («Витязь» Подольск, Россия) сингари легионерлар билан ҳам шартномалар имзолади. Икки маротаба Анталия (Туркия)да ўқув-машғулот йиғинлари ташкил этилиб, бир қатор хориж жамоалари билан ўртоқлик назорат учрашувлари ўтказилди.

Жамоадаги ўзгаришлар, бу йилги мақсад ва режалар хусусида клуб вице-президенти Норқул ДАМИНОВ ҳамда бош мураббий Виктор БОРИСОВлар билан суҳбатлашдик.

— Норқул ака, мухлислар янги мавсумда ўзларининг севимли жамоаларидан қандай натижалар кутишлари мумкин?

— Жамоамиз таркибининг тубдан ўзгарганлиги дарҳол ундан юксак натижалар кутиш имконини бермайди. Охирги бир ой ичида кенг қўламли ишларни амалга оширишнинг уддасидан чиқдик. Ҳозирда футбол клубимизнинг ҳар бир аъзоси ўз ишига профессионал ёндашаётганликлари ўйлайманки, тез орада илгариги мавқеимизни тиклашимиз учун замин яратади.

— Айтишларича, яқинда сиз Москвада бўлиб, Россиянинг кўп карра чемпиони — «Спартак» футбол клуби бош директори Сергей Шавло билан жамоалар ўртасидаги ҳамкорлик юзасидан келишувга эришибсиз...

— Маълумки, «Спартак» нафақат МДҲ мамлакатларида, балки жаҳонда ўз мавқеига эга клублардан ҳисобланади. Унинг бой тажрибаси профессионал клуб сифатида шаклланишни ўз олдига мақсад қилган жамоамизга ижобий таъсир қилади, албатта. Илк учрашувимиздаёқ, клубимиз режалари Сергей Шавлога маъқул тушди ва у тез кунларда биз билан ҳамкорлик шартномаси имзолашга тайёр эканлигини таъкидлади. Биз спартакчилар билан босқичма-босқич иш олиб борамиз. Яна бир янгиликни айтиб қўяй: ниҳоят энди «Насаф»нинг ҳам ўз футбол академиясига асос солинди. Унга тажрибали мутахассис Зокир Абдуллаев раҳбарлик қилаяпти. Ўз навбатида академиямиз фаолиятини ривожлантиришда москвалик мутахассислар маслаҳатларига таянамиз. Келажакда иккала жамоа ўртасида футболчиларни ижарага олиш, ўйинчиларимизни тажриба орттириш учун Москвага жўнатиш каби масалалар ҳам кўриб чиқилади. Энг муҳими, бу ҳамкорлик Ўзбекистон футболи келажагига хизмат қилади.

— Виктор Васильевич, «Насаф» сиз учун янги жамоа эмас. Илгари ҳам маълум муддат Қаршида ишлагансиз. Жамоанинг имкониятлари ва келажаги хусусида нималар дея оласиз?

— Айни чоғда Қашқадарё мамлакат олий лигасида Тошкент шаҳридан ташқари бир йўла учта жамоаси қатнашаётган ягона вилоят саналади. Бу эса аввало, вилоят ҳокими ва вилоят футбол федерацияси президенти Нуриддин Зайниевнинг футболга бўлган катта эътибори ҳамда Қашқадарёда футбол жонкуярларининг кўплиги билан белгиланади. Гарчи, «Насаф» жамоаси шу кунгача бир қатор ютуқларни қўлга киритган бўлса-да, ҳали кўзланган маррага тўлиқ эришгани йўқ. Бу йўлда эса қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бу бир-икки кунда ўз самарасини бермайди. Биз ҳозир кўпроқ маҳаллий ёшларга эътибор қаратаяпмиз. Умидли футболчилар эса Қашқадарёда истаганча топилади. Уларнинг келажакда катта футболда ўз ўринларини топиб кетишлари учун бор куч-маҳоратимни сарфлашга тайёрман.

— Жамоанинг дастлабки учрашувларида асосий таркибда легионерлар майдонга туширилмаганлигининг сабабини қандай изоҳлайсиз?

— Таркибда ҳақиқий рақобатни шакллантириш ниятидамиз. Легионерларимиз ҳозир ҳам таркибга, ҳам иқлимга мослашувни ўз бошларидан кечиришмоқда. Ўринбосарлар учрашувида жамоамиз «Динамо» футболчиларини 3:1 ҳисобида енгди. Киритилган тўпларнинг иккитаси эса Пилипко ва Жабнидзелар ҳисобига ёзилди. Иккинчи турда пойтахт темирйўлчилари дарвозасига грузиялик легионеримиз иккита тўп киритди. Аммо уларга тўлиқ баҳо беришга ҳали эрта. Уларнинг вақтисоати билан жамоада ўз ўрниларини топиб кетишларига умид қиламан.

Эркин ХОЛБОБО суҳбатлашди.

Жиноят ва жазо

«Оқ ажал» сотаётганлар

бир килограмм «опий» гиёҳванд моддаси билан қўлга олинди

Аслида биз ҳикоя қилмоқчи бўлган беш кишидан иборат жиноий гуруҳ аъзоларининг ҳаммасини ҳам «ҳожи»нинг касрига қолган, деб бўлмайди. Негаки, Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида туғилган Камолиддин Маматмирзаев ҳамда Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи Равшан Низматовлар илгари ҳам 7 йилдан 13 йилгача озодликдан маҳрум қилинганди. Амнистия туфайли озод бўлишса-да, бундан тўғри хулоса чиқаришмади... Энг ачинарлиси, оғуфурушларнинг икки нафари олий маълумотли, бири нафақада эди. «Ҳожи» эса номаълум кишининг лақаби. У билан дастлаб жиноий гуруҳ раҳбари Султонбек Алимов топишади. Асли янгийўллик Султонбек уч нафар фарзанди билан оиласидан ажрашгач, киракашлик қилган. Ёз кунларининг бирида унинг машинасига ўзини «ҳожи» деб таништирган киши чиқади. Йўловчининг ғалати одатлари бор экан. Уяли телефони бўлса-да, фойдаланмас, аксарият ҳолларда кўчалардаги телефон шохобчалари орқали қўнғироқ қиларди. Бунинг устига, у «Чилонзор»даги 18-мавзеда яшайман, деб аниқ манзилни айтса-да, аслида қаерда муқим туришини ҳам билиб бўлмасди.

Султонбек Алимов Равшан Низматов билан тожикистонлик «ҳожи»га қўнғироқ қилиб, 1 килограмм «гера»ни Тошкент шаҳрига олиб келишга буюртма беради.

Султонбек Алимов героинни олиши керак бўлган куни ҳам «ҳожи» билан қўнғироқлашган. Улар «Собир Раҳимов» ва «Чилонзор» метро бекатлари оралиғида учрашишга келишишди. Бироқ белгиланган манзилга «ҳожи»нинг ўзи келмай вакилини бир йигит билан жўнатди. Улар Султонбек Алимовга тегишли «Нексия»да 1 кило «афюн»ни қолдиришди.

Ҳамтовоқлар энди қандай бўлмасин, 9 минг долларга баҳоланиб, насияга олинган «мол»ни сотишлари керак. Шу ўринда бир савол туғилади: «оқ ажал»га харидор бўлмаса, улар нега буюртма беришади?

...«Воқеадан тахминан ярим ойлар илгари Султонбек Алимов таниши Равшан Низматов билан суҳбатлашаётганида унга «ҳожи» қўнғироқ қилиб, «героин» оладиганлар бор-йўқлигини суриштирганди. Бундан кўзланган мақсадни билган Равшан эса илгари қамалиб чиқиб, кўзи пишиб кетганиданми ёки дабдурустдан мўмай даромад топиш илинжими, хуллас, шу иш билан қизиқиб қолди. Шеригини ҳам текин даромад орттиришга ишонтирди. Хуллас, улар лаб қўйиш учун берганди. Ниғматилла Равшанга бу пулларини кўрсатиб, унга иш битгунча тасалли бермоқчи бўлганди. Комилга ҳам бу таклиф маъқул келиб, харидор излашга тушади. Чунки улардан 9,5 минг долларга сотиб бераман, деб «мол»ни ҳам насияга олган. Буёғи, «ҳожи» қўнғироқ қилиб, пул талаб қиларди. Харидор изловчилар ваҳимадан аросатга тушиб қолишди...

Ниҳоят, Комил Гусейнов шерикларини ўз таниши Камолиддин Маматмирзаев билан героинни албатта сотишларига ишонтирди. Шўрчилик «ишбилармон» эса 1 килограмм гиёҳванд моддани 10 минг долларга пуллашни кўзлаб турганди.

Хўш, Комил Гусейнов билан Камолиддин Маматмирзаевни қандай «ришта» боғлаган? Бир-бирига бутунлай бегона бўлган одамлар қандай топишиб қолишган? Аслида улар бундан ярим йилча аввал танишишганди. Ўшанда Комил Гусейнов ўзига тегишли, аммо Ниғматилла Шоносировда турган 4 минг долларни Султонбек Алимов ва Равшан Низматовга кўрсатиб мақтанганди... «Афюн операцияси» амалга ошаётган кунларда у шўрчилик акахонини учратиб қолади. Камолиддин воситачиликдан тушадиган фойдани кўзлаб, харидор борлигини айтди. Комил Гусейнов эса бу хабарни Ниғматилла Шоносировга, у эса Равшан Низматовга етказган. Шу боис, Ниғматилла билан Равшан «Ҳосилот» кафесида учрашишганди. Маслаҳат пишгач, Камолиддин Маматмирзаев «гера»ни 13 минг АҚШ долларига пуллаб беришга ишонтирган йигит ҳузурига ошиқди. Чунки мардикорлик қилиб юрган Камолиддин 3 ойлар илгари у билан танишган... Камолиддинга оғуни 13 минг АҚШ долларига «ўтказиб» беришга ваъда қилганди. ...Мазкур иш юзасидан махсус тадбир ўтказилаётганидан эса жиноий гуруҳ аъзоларининг хабарлари йўқ эди.

Шундай қилиб, оғуфурушлар қўлга олинди. Суд ҳукми билан Султонбек Алимов, Равшан Низматов, Камолиддин Маматмирзаевлар 12 йил, Ниғматилла Шоносиров ҳамда Комил Гусейновлар эса 11 йилдан озодликдан маҳрум этилди. Бир сўз билан айтганда, оғуфурушлар қилмишларига яраша жазоланишди...

Дарҳақиқат, гиёҳвандлик аср вабосидир. Бугун ундан миллионлаб кишилар азият чекмоқда. Мажруҳ туғилаётган чақалоқлар, эрта хазон бўлаётган умрлар... Афсуски, ҳамон кимлардир «оқ ажал» тарқатиш орқали мўмай даромад орттириш илинжида. Аммо бу «фаолият»нинг охири барибир жаҳолат, разолат, қабиҳликка етаклаши муқаррар.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

«Landis&Staefa» фирмасининг «DESIGO INSIGHT» дастурий таъминоти билан бошқариладиган Банк Тасвирий санъат галереяси ҳавосини тозалаш тизими автоматикаси учун эҳтиёт қисмлар етказиб бериш ва уни жорий таъмирлаш бўйича танлов эълон қилади.

Таклифлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тақдим этилсин.

Таклифларни тақдим этиш муддати мазкур эълон чиққан пайтдан бошлаб 15 кун.

Манзилимиз: Ўзбекистон, Тошкент ш., 100029, Буюк Турон кўчаси, 2-уй, «Ўзмиллийбанк» Тасвирий санъат галереяси.

Телефон: (+998 71) 233-56-74, факс: (+998 71) 233-77-65
e-mail: GNBU@central.nbu.com

Мулоқот қилувчи шахс: Абдужонов Неъматулло Абсаломович.
Тел.: (+998 71) 233-50-61.

Суперсаксофон оҳанглари

Сурнай навосидаги ҳазинлик, нафислик ва жарангнинг уйғунлиги оромбахшдир. Сурнай ва саксофон жўрлигида эса ўзига хослик бор. Зеро, паст-баланд пардаларда ёқимли оҳанг таратувчи саксофоннинг нуфузли катта саҳнага чиқаётгани сир эмас. Мусиқа ижодкорлари эса Республика Давлат консерваториясида 17, 18, 19, 20 март кунлари оқшомда бериладиган концертни «Суперсаксофон» деб аташди.

Концертда Республикада хизмат кўрсатган артист Юнус Гулзаров, халқаро жаз фестивали лауреати Булат Мустаев, Ботир Зокиров номидаги оркестр яккахонларидан Владимир Терегулов, Абдурашид Алаутдинов ҳамда Олим Абдуллаев, Саидмурод Муродов, Герат Исанбоев каби моҳир ижрочилар иштирок этади.

Саксофон концертига марҳабо!

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
15651 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 23.25
Topshirilgan vaqti — 00.25
1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda